

**«Ҳар сафар унга янги гуруҳ ташланганда, унинг хизматкорлари:
«Сизларга огоҳлантирувчи келмаганмиди?» - деб сўрарлар».**

Жаҳаннамнинг хизматкорлари кучли, қўпол, бешафқат фаришталардан бўлиб, улар «забония» ва «хазана» деб аталади. Дўзахга қачон кофирларнинг янги гуруҳи ташланса, ҳалиги фаришталар дўқ-пўписа ва азобни яна ҳам таъсирли қилиш учун, улардан «Сизларга огоҳлантирувчи келмаганмиди?!» - деб сўрайдилар. Яъни «Сизларга мана шу ҳолатдан огоҳлантирадиган пайғамбар келмаганмиди, кофир бўлишнинг оқибати ёмонлигидан сизни огоҳлантирмаганмиди? - дейдилар.